

ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА БАРМОҚ ШЕЪРИЙ ТИЗИМИ ВАЗНЛАРИНИ ЎРГАТИШ ЙЎЛЛАРИ

Салоҳиддинова Лобар,

БухДУ бошланғич таълим назарияси кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Адабиёт ўқитилар экан, ўқувчининг руҳияти тарбия топиши, тафаккури ривожланиши, ўз туйғуларини англаши, бошқаришни ўрганиши мақсад қилинади. Кейинги йилларда ўқувчиларнинг бадиий асарни тўла-тўқис идрок этмаётгани ҳақида фикр юритилмоқда. Бунинг илдизларидан бири бошланғич синф ўқувчиларида бадиий асар таҳлилининг бошланғич кўникма ва малакалари йўқлигига бориб тақалади. Мақолада шу ҳақида фикр боради.

Калит сўзлар: шеърий асар, шеърий тизим, бармоқ шеърий тизими, содда бармоқ вазни, мураккаб бармоқ вазни, мисра.

Шеърият насрдан кўпроқ эстетик завқ улашади, инсон руҳиятини тарбия қиловчи муҳим омиллардан бири саналади. Аммо насрий асардан фарқли ўлароқ идрок қилиниши мураккаб. Шеърий асарларни ўқиш ҳамда идрок қилиш махсус кўникма ва малакани талаб қилади. Шу сабабдан бу кўникма ва малакани ҳосил қилиш жуда эрта бошланиши зарур. Ўқувчилар мактабни тамомламоқда-ю, бадиий асар таҳлилига қийналмоқда. Бизнингча, бадиий, жумладан, шеърий асарни таҳлил қилиш учун боғчадан сабоқ берилиши лозим. Бу ҳақда адабиётшунос олима Л.Шарипова шундай ёзади: “Адабиёт сабоқлари оиладан, боғчадан бошланиб, бошланғич таълимда шакллантирилиши зарур. Шу сабаб бадиий асар таҳлилига алоҳида эътибор бериш, таҳлил жараёнида зарур назарий маълумотлар синфма-синф ривож топиши, узвийлик, бир бутунлик касб этиши лозим” [2.44-45]. Асарни таҳлил қилишга ўрганиш уни чуқур тушуниш, тафаккур қилиш, асардан завқланиш, ундан ҳаётий сабоқ олиш имконини беради. Бадиий асар тур ва жанрларга кўра турлича йўллар билан таҳлил қилинар экан, шеърий асар таҳлили насрий ва драматик асар таҳлилидан фарқ қилади. Шеърий асар таҳлили пойдевори бошланғич синфдан бошланиши лозим. Буни шеърий тизимларга оид бошланғич маълумотларни бериш ва уларни амалий жиҳатдан кўриб чиқишдан бошлаш ўринли бўлади.

1-синф ўқувчиси ўқиш дарсларини бошлаши билан ўзбек шеъриятида уч шеърий тизим борлигини ёздириб, уларнинг номини илк ўқиш дарсидан бошлаб ўргатиш лозим. Ўқиш дарсларининг ўрталарида, шу синфнинг ўзида, бармоқ шеърий тизими ҳақида содда тарзда маълумот бериб, шеър вазнини аниқлаш ўргатилса, мақсадга мувофиқдир. 1-синф ўқиш дарсида бармоқ шеърий тизимининг содда, 2-синф ўқиш дарсида мураккаб вазни; 3-синфда аруз, 4-синфда эркин шеърий тизими

хусусиятларини ўта оддийлаштирган ҳолда тушунтириб ўтиш даркор. Аммо аруз ва эркин шеърий тизимини мисоллар кўмагида амалий жиҳатдан тушунтиришга ҳозирча имкон йўқ. Негаки “Ўқиш китоби” дарсликларида бармоқ шеърий тизими вазнларидаги шеърлардан бошқа шеърий тизимлар вазнларида ёзилган шеърлар йўқ. Буни ижобий ҳолат деб бўлмайди. Юқори синфга кўчадиган бола уч шеърий тизимни ҳам ёшига мос тарзда билиши, уч шеърий тизимда ҳам шеърлар ёдлаши, ёшига, синфига мос тарзда таҳлил қила олиши керак. Бўлмаса юқори синфда бадий, айниқса, мумтоз адабиёт намуналарини тушуниб ўқишда ожизлик қилиб қолади.

1-синф ўқувчисига қуйидагича қоида берилади: “Бўғинлар сонини бармоқ билан санаганимиз учун бу шеърий тизимнинг номи бармоқ шеърий тизимидир”. Бармоқ шеърий тизимини шундай тушунтиришда давом этиш мумкин: шеърнинг бир қаторидаги бўғинлар сони кейинги қаторидаги бўғинлар сонига тенг бўлса, бундай шеър бармоқ шеърий тизими вазнида ёзилган ҳисобланади. Мисол:

1	2	3	4	5	6	7	
							7
							7
							7
							7

1-синфда “Ўқиш китоби”нинг ярмидан ўтгач, шеър мисраларидаги бўғинларнинг сони санатилади. Шеър ҳақида гапирилганда бўғин ҳижо дейилишини, бўғин – ҳижо бир ҳаво зарби билан айтилувчи товуш ёки товушлар гуруҳи бўлиб, у барча шеър тизимларида энг кичик ритмик бўлак саналишини, бу шеърий тизим фольклордан ёзма шеъриятга кўчганини, бу шеърий тизим учун бўғиннинг – ҳижонинг сифати: қиска, чўзиқ ёки ўта чўзиқлиги, очик ёки ёпиқлиги, урғули ёки урғусизлиги аҳамиятсиз эканини ўқитувчи билиши лозим, аммо ўқувчига ҳали ўргатилмайди. Бу 1-синф ўқувчиси учун қийинлик қилади. Бу ёшдаги ўқувчи бўғин нималигини яхши билганлиги сабабли сатрлардаги бўғинларни санайди ва барчаси неча бўғиндан иборатлигини аниқлай олади. Қудрат Ҳикматнинг “Аямажиз” шеърига диққат қилинг, ўқитувчи шеърнинг икки қаторини кўргазма тарзида ёзиб келиб, болаларга бўғинларга ажраттириши мумкин:

А/я/ма/жиз из/ғий/ди, 7
Кў/ча/лар/да ту/та/қиб. 7

Сўнг болалар бўғинларни санайдилар. Ўқитувчи шеърнинг 7 бўғинли шеър эканини айтади. Кейинги болалар кўргазма ҳарфлар тўпламидан навбатдаги сатрлардаги бўғинларни ясаб, қатор туриши ҳам мумкин.

Шоҳ-ша-ба-ни торт-қи-лар,

Ял-мо-ғиз-дек ю-то-қиб [1.93].

Сўнг бўғинлар сони саналади. Ўқитувчи мисрада бўғинлар сони жамаи нечталигини сўрайди. Қарангки, математика, она тили, ўқиш дарслари интеграцияси юзага келади. Болалар уч фандан олган билимларидан фойдаланиб, шеърнинг вазнини аниқлайдилар. Оқибатда бошқа шеърларни ҳам шу тахлит таҳлил қилиб, вазнини аниқлашга ўрганадилар. Ўқувчи бўғинлар сонини санай бошладимиз, бу шеърнинг илк таҳлили ҳисобланади.

1-синфга мўлжалланган “Ўқиш китоби”да болалар шоири Анвар Обиджоннинг “Бекинмачоқ” шеъри келтирилган.

Биргалашиб уч ўртоқ –

Мен, Азиза ва Қўшоқ

Кенг лолазор кўйнида

Ўйнардик бекинмачоқ [3.42].

Шеърнинг 7 бўғинли эканини аниқлаштириш билан бирга неча сатрдан иборатлигини ўргатиш лозим бўлади. Аста-секин ўқувчига шеър қатори сатр ёки мисра дейилишини уқтириш мумкин. Чунки бу билим ўқувчиларнинг туроқ ва банд ҳақида билим олишига йўл очади. Натижада ўқувчи “7 бўғинли 12 мисрали шеър” ва шу каби хулосалар қилиш кўникмасини ҳосил қила бошлайди.

Бармоқ шеърий тизимида фақат бўғинлар сони саналади, аммо бир шеърда сон тенглиги икки хил бўлиши ҳам мумкин. Шунга кўра бармоқ шеърий тизими вазни иккига бўлинади. Бу бўлинишни 2-синф ўқиш дарсларида ўргатиш керак. Аммо 1-синф ўқиш дарслигида мураккаб бармоқ вазнидаги шеър келтирилган бўлиши мумкин. Ҳар сафар бўғинлар сони санаб кетилади. Ўқувчи кўп бор ҳижола сони санагач, мисралардаги бўғинлар сонининг икки хиллигига рўпара келиши эҳтимолдир. Натижада унда савол туғилади. Ана шундай вазиятда ёки вақт-соати келиб ўқитувчи бармоқ вазни икки хил бўлишини тушунтириши шарт. Бармоқ шеърий тизимининг икки хил вазни бор.

1.Содда бармоқ вазни. Барча мисралардаги бўғин (ҳижо)лар сони айнан бир хил бўлади. Масалан:

Бекинмоқчи бўлсам мен, 7

Ҳар лола имлаб секин, 7

Дейди: “Келақол, ўғлон, 7

Бизнинг маконга бекин”[3.42]. 7

2. Мураккаб бармоқ вазни. Мисраларда ҳижола сони икки хил бўлади. Баъзи ҳолларда тоқ мисралар ўзаро, жуфт мисралар ўзаро тенг бўлса (масалан:8-9-8-9), баъзи ҳолларда 4 мисрали бандда 3 мисра ўзаро тенг бўлиб, 4-мисра барча бандлардаги 4-мисра билан бир хил

(масалан: 7-7-7-6) бўғиндан иборат бўлади. Масалан:

Ваган деганим бу –	6
Юрак деганим.	5
Юракка Ватаним	6
Керак деганим [3.5].	5

Ўқувчи қачон шеър вазни, мисралар сонини аниқлашда кўникма ҳосил қилса, вақт ўтиб туроқ, сўнг банд ҳақида маълумот берилади. Муҳими, бошланғич синф ўқувчиси секин-аста шеърый асар таҳлилини амалга ошириш кўникма ва малакаларига эга бўлиб боради. Бу жараён қанчалар тўғри ташкил қилинса, юқори синфда бадиий асар идроки шунча осонлашиб, талаб даражасини касб этиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Умарова М., Хамроқулова Х., Тожибоева Р. Ўқиш китоби. Умумий ўрта таълим мактабларининг 3-синфи учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи НМИУ, 2019. – Б.93.
2. Шарипова Л. Аруз сабоқлари. – Тошкент: Тафаккур, 2018. – Б.44-45.
3. Ғаффорова Т., Шодмонов Э., Эштурдиева Г. Ўқиш китоби. Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синфи учун дарслик. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2017. – Б.42.
4. Ғаффорова Т., Шодмонов Э., Эштурдиева Г. Ўқиш китоби. Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синфи учун дарслик. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2019. – Б.105.